

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

2-МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-2

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-2



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№SI-2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2023-SI-2>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'affor

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Artur Gambaryan

yuridik fanlar doktori, professor (Armaniston)

Yosuke Shamoto

yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННЫЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Xusanov Ozod Tillabayevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Selimanova Svetlana Mixaylovna

yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Peshkova Xristina Vyacheslovovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)

Sung Un Lee

yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Ruziyev Rustam Jabborovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Borotov Mirodiljon Xomudjonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Shomuxamedova Zamira Shoislamovna

yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)

Ahmad Issa Altweissi

yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Egamberdiyev Eminjon

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.

Kanton Federal sud markazi (AQSH)

12.00.05 - МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxanovna

yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Gasanov Mixail Yuriyevich

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Sattorova Gulnoza Djurakulovna

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora

yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Denisov Gleb

yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Skripnikov Nikolay Kuzmich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salayev Nodirbek Saparbayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Taxirov Farxod
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Қиличев Хайрулла Маматович ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ФУҚАРОЛИК- ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАРНИНГ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ.....	5
2. Ubaydullayev Abror Qutpilla o‘g‘li ISLOM MOLIYA HUQUQI: TUSHUNCHASI, MAZMUNI VA ISTIQBOLLARI.....	15
3. Ходжаев Бахшилло Камолович ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ СИФАТИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАР ТРАНСФЕРИ ВА УНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЖИҲАТЛАРИ.....	21
4. Юсупова Мухбира Абдухоликовна ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ И ПРОБЛЕМЫ ИХ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОГО ГРАЖДАНСКОГО ОБОРОТА.....	29
5. Жуманов Тўлқинбой Саттарович ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИГА КАДРЛАРНИ ТАНЛАШ ВА ТАЙЁРЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР.....	40
6. Абзалова Хуршида Мирзиятовна ЧТО ОЗНАЧАЕТ «ПРАВО НА ЗАБВЕНИЕ» («ПРАВО БЫТЬ ЗАБЫТЫМ, ПРАВО НА УДАЛЕНИЕ ДАННЫХ»)?:.....	48
7. Имомназаров Алишер Хасанович КЎЗДАН КЕЧИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИНГ ТАДРИЖИЙ РИВОЖЛАНИШИ.....	56
8. Курбанов Маъруфжон Мамадаминович, Мамазова Зарифа Курбановна ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР РАҚОБАТИДА ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИГА КЎРА ҚИЛМИШНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ.....	68
9. Курбанов Маъруфжон Мамадаминович, Рашидов Фируз Туйғунович ЖИНОЯТ ҚОНУНИНИНГ ҲУДУД БЎЙИЧА АМАЛ ҚИЛИШИ.....	78
10. Аҳмадов Алимардон Аҳмадович “ЖИНОИЙ АКТИВЛАР”НИ ҚАЙТАРИШГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР.....	90
11. Баракаев Лазизжон Отақулович ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ЭЛЕМЕНТИ СИФАТИДА ТАФТИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ.....	104
12. Турсунова Маликахон Улуғбековна РАҚАМЛАШТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯСИНИНГ ДИПЛОМАТИК ХИЗМАТГА ТАЪСИРИ: ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ, МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	113




12.00.02-КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО. АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО. ФИНАНСОВОЕ И ТАМОЖЕННОЕ ПРАВО

Қиличев Хайрулла Маматович,
 Ички ишлар вазирлиги Академияси
 Фуқаровий-ҳуқуқий фанлар кафедраси доценти,
 юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
 E-mail: qilichev.xayrulla@mail.ru

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ ШАРТНОМАЛАРНИНГ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

For citation: Kilichev Khairulla Mamatovich. THE CONCEPT, ESSENCE AND SIGNIFICANCE OF CIVIL CONTRACTS IN THE ORGANIZATION OF THE ACTIVITIES OF CIVIL ASSEMBLIES. Journal of Law Research. 2023, Special issue 2, pp.5-14

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8113949>

АННОТАЦИЯ

Мақолада фуқаролар йиғинлари фаолиятини ташкил этишда фуқаролик - ҳуқуқий шартномаларнинг тушунчаси, моҳияти ва унинг аҳамияти ҳақида хорижий ва миллий олимлар фикр - мулоҳазалари ва бу борадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилиб, илмий-назарий таҳлил қилинган. Бундан ташқари, муаллиф томонидан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш институтини такомиллаштириш борасида ҳамда фуқаролар йиғинлари фаолиятини ташкил этишда фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг ўрни, тушунчаси, моҳияти ҳамда унинг аҳамияти ҳақида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Обод кўча”, “Обод хонадон”, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш институти, фуқаролар йиғинлари, маҳалла, фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар, англо-саксон.

Қиличев Хайрулла Маматович,
 Доцент кафедрa гражданских и правовых наук
 Академии Министерства внутренних дел,
 Доктор философии по юридическим наукам, доцент
 E-mail: qilichev.xayrulla@mail.ru

ПОНЯТИЕ, СУЩНОСТЬ И ЗНАЧЕНИЕ ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВЫХ ДОГОВОРОВ В ОРГАНИЗАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ГРАЖДАНСКИХ СОБРАНИЙ

АННОТАЦИЯ

В статье изучены и научно обоснованы мнения зарубежных и отечественных ученых о понятии, сущности и значении гражданско-правовых договоров в организации деятельности сходов граждан, а также нормативно-правовые документы по этому поводу. и теоретически проанализированы. Кроме того, автором разработаны предложения и рекомендации о роли, понятии, сущности и значении гражданско-правовых договоров в совершенствовании института самоуправления граждан и в организации деятельности сходов граждан.

Ключевые слова: «Зажиточная деревня», «Зажиточная махалля», «Зажиточная улица», «Зажиточный дом», Институт гражданского самоуправления, Гражданские собрания, Соседство, Гражданско-правовые договоры, Англосаксон.

Kilichev Khairulla Mamatovich,
Associate Professor of the Department of Civil and
Legal Sciences of Academy of the Ministry of Internal Affairs
Doctor of philosophy (PhD) in Law, Associate Professor
E-mail: qilichev.xayrulla@mail.ru

THE CONCEPT, ESSENCE AND SIGNIFICANCE OF CIVIL CONTRACTS IN THE ORGANIZATION OF THE ACTIVITIES OF CIVIL ASSEMBLIES

ANNOTATION

In the article, the opinions of foreign and national scientists about the concept, nature and importance of civil-legal contracts in the organization of activities of citizens' assemblies, as well as normative and legal documents in this regard, were studied and scientifically and theoretically analyzed. In addition, the author has developed proposals and recommendations on the role, concept, nature and importance of civil-legal contracts in the improvement of the institution of citizen self-government and in organizing the activities of citizens' assemblies.

Keywords: "Prosperous Village", "Prosperous Mahalla", "Prosperous Street", "Prosperous House", Institute of Citizen Self-Government, Citizens' Assemblies, Neighborhood, Civil-Legal Contracts, Anglo-Saxon.

Маҳалла тарихан мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ноёб институт сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, турли тарихий даврларда кўпмиллатли ўзбек халқининг миллий қадрияти сифатида мустаҳкамланиб борди. Истиқлол йилларида маҳалла институтининг ижтимоий мавқеини ошириш сиёсий аҳамиятга эга бўлган устувор вазифа сифатида қаралди. Мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда маҳалла таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилди. Хусусан, шаҳарча, кишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқаришнинг ҳудудий бирликлари сифатида давлатчилигимиз тарихида илк маротаба Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида мустаҳкамлаб қўйилди.

Албатта, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш институтининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида мустаҳкамланганлиги давлат мустақиллиги ва сиёсий суверенитетга эришиш шароитида давлатчиликнинг миллий шакллари тиклаш, Ўзбекистон халқининг ижтимоий ҳаётидаги миллий анъаналар ва одатларидан янада тўлиқ фойдаланиш жараёнлари кузатилаётганлигидан дарак беради[1], ўзини ўзи бошқариш тизимининг энг қуйи маъмурий-ҳудудий бўлақларда ва маҳаллаларда жорий қилинганлиги масалага тўғри ёндошилганлигини кўрсатади[2]. Айни пайтда, мазкур соҳага оид муносабатларни такомиллаштириш учун конституциявий асос яратилганлигидан далолат беради[3]. Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, маҳалла мустақиллик йилларида аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айланди[4]. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари «Кучли

давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясини ижтимоий ҳаётга тадбиқ этишда энг муҳим ташкилий-институционал бўғинга айланди.

Бугун маҳалла фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий институтига айланди десак муболаға бўлмайди. Айни пайтда, юртимизда 9445 та фуқаролар йиғини, шу жумладан 40 та шаҳарча, 72 та қишлоқ, 165 та овул ва 9168 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда уларда жами 48170 нафар ходимлар фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, ҳар бир фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида йиғин кенгаши, 4 та жамоатчилик комиссиялари, тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича маслаҳат маркази, «Ота-оналар университети», «Аёллар маслаҳат кенгаши», «Нуронийлар жамоатчилик кенгашлари» ва «Оқила аёллар» ҳаракати фаолият кўрсатмоқда[5].

Мамлакатимизда маҳалланинг институционал асосларини янада такомиллаштириш, шаҳар ва қишлоқлар инфраструктурасини ривожлантириш, аҳолига қулай шароит ва имкониятлар яратиш мақсадида “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Обод кўча”, “Обод хонадон” мезонлари ва “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили ҳаётга татбиқ этилди. Хусусан, 2022 йилда “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” ҳамда бошқа дастурлар доирасида бюджетдан ажратилган қарийб 27 триллион сўм маблағ ҳисобидан 4 мингта маҳаллада кенг кўламли қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилгани, юзлаб мактаб, боғча, тиббиёт масканлари барпо этилгани ва янгилангани, электр энергияси, ичимлик суви, табиий газ ва иссиқлик таъминоти, йўл ва транспорт тизимлари фаолияти яхшиланганини таъкидлаш лозим. 2023 йил – “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да ушбу мақсадлар учун яна 5 минг 800 та маҳаллага 30 триллион сўм маблағ йўналтирилади[6]. Аҳолининг эҳтиёжманд қатлами билан манзилли иш олиб бориш мақсадида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” тамойиллари амалиётга жорий этилди.

Маҳаллалар зиммасига юклатилган вазифалар ижросини самарали бажаришлари учун ташкилий масалалар билан бир қаторда маҳаллаларнинг иқтисодий аҳволини такомиллаштириш ва уларга етарли шарт-шароитлар яратиб бермоқ лозим. Бунинг учун фуқаролик ҳуқуқий шартномалар орқали маҳаллаларнинг ишлаш механизмини такомиллаштириш давр талаби бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасидаги шартномавий муносабатларга оид асосий қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги [7] қонунида белгиланган.

Шартнома фуқаролик ҳуқуқининг марказий институтларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 8-моддасида шартномалар тарафлар ўртасида фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келишининг асосларидан бири ҳисобланиши[8] белгиланган.

Фуқаролик кодексининг 353-моддасида шартнома тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра, икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома[8] дейилади.

Шубҳасиз, бугунги кунда шартномаларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунки шартномаларда бошқа юридик фактларга қараганда, тарафларнинг эрки-иродаси тўла ифодаланади. Шартномага киришувчи шахслар ким билан, қанча, қачон шартнома тузишни, у туфайли етказиб берилиши лозим бўлган пул, товар, ашёларни қайси муддатларда, қандай транспортларда етказилишини, тўлов амалдаги қандай шаклларда бўлишини мутлақо ўзлари, мустақил ҳал қиладилар. Тарафлар шартномалар тузишда эркиндирлар, шартнома тузишга мажбурлашга йўл қўйилмайди.

Шартнома эркинлиги тамойилининг мазмуни Фуқаролик кодексининг 354-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра, фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар. Бунинг маъноси шундан иборатки, ҳеч ким уларни шартнома тузишга мажбур қила олмайди. Шартнома фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз хоҳишига кўра, ўз эрки иродаси билан тузилади[8]. Албатта, уларни шартнома тузишга ундовчи сабаблар (мотив) турлича бўлиши мумкин: ўз эҳтиёжларини қаноатлантириш, фойда олишга интилиш, таъсис

хужжатларида белгилаб қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ва ҳоказо. Баъзан, бошқа учинчи шахслар шартнома тузиш ҳақида талаб, таклиф ёхуд илтимос қилишлари мумкин. Бироқ ҳар қандай ҳолда ҳам шартнома тузиш ҳақидаги қарор фуқаро ёки юридик шахс томонидан мустақил, ўз эрки-иродаси асосида қабул қилинади. Шартнома тузиш вақтида фуқаро (юридик шахс раҳбари, вакили) фикри тиниқ, руҳий ҳолати нормал, ўзини ўзи идора қила оладиган, ўз ҳаракатларининг оқибатларини кўра оладиган ҳолда бўлиши лозим. Агар субъектнинг ички руҳий ҳолатида, онгида рўй берган бузилишлар, ташқи таъсирлар туфайли шартнома тузишга мажбур этилса, ундай шартнома ҳақиқий ҳисобланмайди. Бу шартномалар эркинлигини реал таъминлашнинг ўзига хос юридик кафолати ҳисобланади деб айтиш мумкин.

Хорижий мамлакатларда ўзини ўзи бошқаришнинг қуйи органларининг аксарияти коммуна ёки йиғинлар тарзида ташкил этилган бўлиб, улар бир неча асрлар илгари давлатнинг қуйи маҳаллий бошқарув функцияларини бажарувчи сиёсий ташкилот сифатида шаклланган. Бугунги кунда улар ўзига хос ваколатларни амалга ошириб келмоқда[9].

Ўзини ўзи бошқариш органларининг марказ билан ўзаро муносабатларининг учта модели шаклланган бўлиб, булар, англо-саксон модели (АҚШ, Буюк Британия, Канада, Австралия ҳ.к), континенталь (француз) модели (Франция, Италия, Белгия, Туркия, Монголия, Лотин Америкасининг бир қатор давлатлари, Яқин Шарқ) ва аралаш тусдаги модел (Германия, Австрия, Япония) [10]. З.Рўзиев “юқоридаги айрим хорижий давлатларнинг бу соҳадаги тажрибасини ва уларнинг ваколатларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этишни мақсадга мувофиқ” [11], деб ҳисоблайди.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг энг намунали модели англо-саксон модели ҳисобланиб, унда ўзини ўзи бошқариш жараёнлари “ҳокимият маҳаллий манфаатлари доирасида” амалга оширилади[12]. Шу ўринда айтиш жоизки, англо-саксон муниципал тизимининг классик ватани Буюк Британия ҳисобланади. Ушбу мамлакатда ўзини ўзи бошқаришнинг қишлоқ даражасидаги қуйи бўғини “приходлар” [13], Уэльс ва Шотландияда эса мазкур тузилма “община” деб аталади. Бу давлатда уларнинг фаолияти “Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисида”ги қонун ва қонуности ҳужжатлар билан тартибга солинади*.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўзини ўзи бошқариш органларининг асосий ваколатлари сифатида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, мактаб ва мактабгача таълимни ташкил этиш, худудни режалаштириш, ердан фойдаланишни бошқариш, ёнғинга қарши ҳимоя, сув таъминоти, канализация, оқар сувларнинг назоратини амалга ошириш, коммунал чиқиндиларни утилизациялаш, атроф-муҳит ифлосланиши назорат қилиш, соғлиқни сақлаш, санитар корхоналарни ишлатиш, аҳолини газ, иссиқлик қуввати ҳамда электр тармоқлари билан таъминлаш, кўчаларни тозалаш ва ёруғлик билан таъминлаш, дафн этиш жойларини озода сақлаш, савдо ва тадбиркорликни ривожлантириш каби маҳаллий аҳамиятга молик масалалар белгиланган[14].

Англо-саксон моделига амал қилувчи давлатлардан яна бири Америка Қўшма Штатлари ҳисобланиб, ушбу давлатда ўзини ўзи бошқариш тизими кенг миқёсда номарказлаштирилганлиги билан ажралиб туради. Муниципалитетлар нафақат марказий ҳукуматга, балки штатларга нисбатан ҳам мустақил бўлиб, давлат ҳокимиятига тўғридан тўғри бўйсунмайдилар. Штатлар ўзини ўзи бошқариш масалаларига оид “умумий қонунлар”ни қабул қилади.

Мазкур қонунларга биноан, улар одатда маҳаллий мансабдор шахсларни тайинлашда, маҳаллий меъёрий ҳужжатларни нашр қилишда, дам олиш жойларини ташкил этишда, кўчаларни тозалаш ва ёритиш стандартларини жорий этишда, муниципал хизмат кўрсатишда ва маҳаллий эҳтиёжларга алоқадор бошқа масалаларда мустақилдирлар.

Франция Конституцияси[15] га кўра, коммуналар, департаментлар ва минтақалар ўзини ўзи бошқаришнинг жамоалари ҳисобланади. Хозирги кунга келиб Департаментлар ўзини ўзи бошқарувчи жамоа сифатида бюджетнинг бажарилиши устидан мустақил ҳолда назорат олиб бориш, уни тасдиқлаш ва шакллантириш; ўзига тегишли мол-мулк устидан назорат ўрнатиш; жамоавий хизматларни ташкил этиш учун савдо ишларини амалга ошириш; молиявий

инкирозга учраши кутилаётган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларга молиявий кўмак кўрсатиш каби ваколатларни амалга оширмақдалар.

Муҳокама этиладиган давлатлардан яна бири Италия бўлиб, маъмурий ҳудудий бирлиги 20 та вилоят, 95 та провинция ва 8000 та муниципалитет (коммуна)лар ташкил этади. Италиянинг 1982 йил 4 августдаги “Маҳаллий бошқарув тўғрисида”ги 2007-сонли Қонуни билан муниципал органларининг роли янада такомиллаштирилди. Мазкур қонун билан уларга маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда ва ўзларининг фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлашда муҳим ваколатларни берди[16]. Хусусан, ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш, санитария, жамоатчилик ёрдами, коммунал, турар-жой жамоатчилик ишлари, бозор ва савдо, ҳудудларни режалаштириш, фавкулдда вазиятларда кўмаклашиш, мактаб ва йўлларни қуриш, дам олиш учун муносиб турмуш шароитини яратиш, маданият ва спорт, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш, сайловчилар рўйхатини тузиш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни йиғиш каби йўналишларда ўз ваколатларини амалга ошириб келмоқда[17].

Германиянинг ўзини ўзи бошқариш тизими ҳам англо-саксон, ҳам француз моделига хос бўлган жиҳатларга эга бўлиб, “аралаш” шаклдаги модел ҳақида фикр юритиш имконини беради[18]. Хусусан, Германиянинг 1949 йилги Асосий қонунига кўра, общиналар ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқига эга. Давлат эса, ушбу ҳуқуқни уларга таъминлаб беришга мажбур[19]. Общиналар давлат ҳокимиятининг энг куйи ҳамда энг муҳим бўғини ҳисобланиб, улар Германиянинг асосий Қонунда фуқароларга яқинлаштирилган давлат бошқаруви марказлари, деб таърифланади[20]. Шундан келиб чиқиб, общиналарнинг ваколатларига фуқароларни сув, электроэнергия, иссиқлик ва газ билан таъминлаш қувурларни тозалаш ва чиқиндиларни чиқариб ташлаш, ҳудудни режалаштириш, маҳаллий йўллар, даволаш ва таълим муассасалари, спорт муассасалари, қариялар уйи, истироҳат боғлари ва дафн этиш жойларини қуриш ва таъмирлаш, ёнғинга қарши қурашиш, маҳаллий транспорт воситаларини янгилаш ва уларни бут сақлаш ҳамда коммунал хўжаликларни ривожлантириш вазифалар киради.

Австрияда[21] ҳам ўзини ўзи бошқариш тизимининг асосини общиналар ташкил этиб, улар мустақил ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқига эга бўлган ҳудудий бирлик ва айни вақтда маъмурий бирлик ҳисобланади. Уларга федерация ва ўлканинг умумий қонунлари билан белгиланган доирада ҳар қандай мол-мулкка эга бўлиши, уни сотиб олиши, ва тасарруф қилиш, хўжалик тадбиркорлиги билан шуғулланиш, шунингдек молиявий тизим доирасида ўз бюджетини мустақил белгилаш ва солиқлар йиғиш ваколати берилган.

Швейцария Конституцияси[22] га мурожаат қиладиган бўлсак бу мамлакатда ҳам ўзини ўзи бошқариш органлари сифатида общиналар намоён бўлади. Общиналарнинг ваколатларига эса аҳоли рўйхатини юритиш (туғилиш, ўлим, никоҳ ва миграцияни қайд этиш); халқ таълимини ташкил этишда кўмаклашиш; солиқлар йиғишда иштирок этиш; кам таъминланган, вояга етмаганларнинг аҳволдан қайғуриш; тегишли ҳудудларда қурилиш фаолиятини тартибга солиш киради.

Бразилия Конституцияси[23] ва “Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунига асосан муниципал органи ўзини ўзи бошқариш фаолиятини амалга ошириб, эътиборли жиҳати шундаки, улар бевосита солиқларни йиғиш ваколатларига эга бўлиб, йиғилган солиқларнинг 47% уларнинг ҳисоб рақамига тушади.

Португалия Конституциясига биноан, давлат ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш учун муносиб шарт-шароит яратиб беради. Мазкур мамлакатда ўзини ўзи бошқариш органлар фаолиятини ҳудудий бирликлар сифатида приходлар ва муниципаллар амалга оширади. Бу ерда ҳар бир ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзининг шахсий молиявий маблағлари ва мулкларига эгадир. Улар ҳам қонун ҳужжатлар асосида солиқ соҳасида ҳам айрим ваколатларни бажариш ҳуқуқига эга.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики хориж тажрибасида ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари кенг бўлиб, мазкур ваколатлар орқали улар фуқаровий-ҳуқуқий шартномаларнинг олди-сотди, махсулот етказиб бериш, кўчмас мулкни сотиш, мулк ижараси,

бинолар ва иншоотлар ижараси, текин фойдаланиш, қурилиш пудрати, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, мол-мулкни ишончли бошқариш каби шартномаларни қўллаши кўзга ташланади.

Хўш, бизда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан шу каби шартномаларнинг қайси бир тури қўлланилиб келинмоқда? Қайси бир турдаги шартномалар қўлланилмай келинмоқда? Ёки қўлланилишига нима тўсқинлик қилмоқда? Шартномаларнинг родини ошириш қандай ижобий натижаларга олиб келади?, деган табиий саволлар туғилади.

Биобарин, бозор хўжалигида шартнома иқтисодий ўзаро алоқаларни тартибга солишнинг асосий усулларида бирига айланмоқда, чунки унинг иштирокчилари мулкдор сифатида ўз хоҳишларига кўра ўзларига тегишли мулкдан фойдаланиш йўналишлари ва тартибини белгилайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳам фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар долзарб аҳамиятга эга бўлиб, бу ўринда унинг мазмунини белгилашга қаратилган нормаларни янада такомиллаштириш ҳамда уларни тузиш ва унга амал қилиш маданиятини юқори босқичга кўтариш давр талаби ҳисобланади.

Маҳаллада фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни акс эттириш шакли – бу шартнома ҳисобланади. Бироқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тузилаётган шартномалар ижтимоий ҳаётда хизматлар кўрсатиш соҳасида кутилаётган натижага ҳар доим ҳам эришиб бўлмаяпти. Бунга кўпгина объектив ва субъектив омиллар ўз таъсирини ўтказди. Объектив сабаблари сифатида эса корхона ва ташкилотларнинг фуқаролар йиғинлари билан шартнома тузишдан сунъий равишда бош тортишларини, субъектив сабаблари сифатида фуқаролар йиғинлари раисларининг қонунчиликда белгиланган ушбу ваколатларини билмаслиги ёки билган тақдирда ҳам уни қўллаш амалиёти бўйича етарли тажрибага эга эмаслигини кўрсатиш мумкин.

Мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ этиш шароитида маҳалла фаолияти ходимларида шартномаларни тузиш ва унга амал қилиш маданиятини ошириб бориш уларнинг иқтисодий ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Бу эса маҳалла фаолиятида «шартномалар эркинлиги» тамойилини таъминлайди. Хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожланган, иқтисодиёти мустақкам ва мустақил маҳалла фаолиятини ривожлантирмай туриб, маҳалла институтини Ш.О.Мамадалиев тўғри таъкидлаганидек, «...жамоатчиликнинг ўзини ўзи бошқариш институти дейиш қийин», деган хулосага келишга асос бўлади.

Бунинг учун маҳалла институтини ҳақиқатда «халқ оммасини давлат, ҳокимият идоралари билан боғлаб турувчи кўприк» вазифасини ўташи, «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясининг амалиётга тўлақонли татбиқ этиш ҳамда таъсирчан жамоатчилик назоратини таъминлашдаги родини ошириш, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, халқнинг чинакам маслакдоши ва кўмакдошига айлантириш мақсадида шартномавий муносабатлардаги иштирокини ва фуқаролик қонун ҳужжатларидаги мазкур масалага оид қоидаларни босқичма-босқич такомиллаштириш лозим.

Бунинг учун авваламбор, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг шартномавий муносабатлардаги иштирокининг даражасини таҳлил қилиш ҳамда ривожланган хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаларини ўрганиш орқали илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш фойдадан холи бўлмайди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунининг 11-моддасида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, тегишли ҳудудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария жиҳатдан тозалаш, кам таъминланган оилаларга уларнинг уйлари ва квартираларини таъмирлашда, шунингдек коммунал хизматлари ҳақини тўлашда ёрдам кўрсатиш учун ихтиёрийлик асосида жисмоний шахслардан маблағ йиғиш, юридик шахсларнинг маблағларидан шартнома асосида фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, шунингдек коммунал тўловлар ундирилишини таъминлаш, иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш бўйича тадбирлар ўтказишда, тегишли ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, уйлар ва ҳовлиларни намунали сақлашга доир

ишларни ихтиёрийлик асосида ташкил этишда шартнома асосида кўмаклашиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган мустақил фаолият эканлиги белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 14-моддасида давлат органларида, шу жумладан судда, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фуқаролар йиғинининг манфаатларини ифодалаши, фуқаролар йиғини номидан шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномаларни тузиши кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони асосида қабул қилинган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида қайд этилганидек “Худудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни жойида ҳал этиш мақсадида маҳаллалар ваколатларини кенгайтириш, уларнинг молиявий мустақиллигини кучайтириш” вазифаси юклатилган.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 декабрь кундаги ««Маҳалла бюджети» тизимини жорий этиш орқали маҳаллаларнинг молиявий имкониятини янада кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилиниб, мазкур қарор билан маҳаллалар томонидан жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ва ер солиғини аҳолининг солиқ тўлаш саводхонлигини ошириш орқали ундиришга кўмаклашиш ва ҳар бир маҳалла ўзининг муаммосини мустақил ҳал этиши учун 2023 йил 1 январдан бошлаб Республикадаги солиқларни ундириш кўрсаткичи паст бўлган 14 та туманида «Маҳалла бюджети» тизими ҳуқуқий эксперимент тариқасида жорий этилди. Унга кўра 2023 йил 1 январдан бошлаб, мазкур 14 та туманда мол-мулк ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағларнинг 10 фоизи туман бюджетлари орқали тегишли Жамғармаларга йўналтирилиши ва бу шакллантирилган маблағлар «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган фуқаролар йиғини кенгаши томонидан бошқарилиши белгиланди. Бу эса фуқаролар йиғинлари фаолиятида маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда ва ўзларининг фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлашда муҳим ваколатларни берди ҳамда маҳалланинг молиявий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш учун қулай шароит яратиб берди.

Бундан ташқари мазкур тараққиёт стратегиясида маҳалладан туриб барча давлат идораларига мурожаат қилиш тизимини яратиш, давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллада кўрсатиш вазифаси ҳам кўрсатиб ўтилган. Шундай экан фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни биргаликда маҳалладан туриб ҳал этиш, чора-тадбирларини самарали амалга ошириш учун аввал маҳалланинг иқтисодий дастакларини яъни кунлик фаолиятида фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг моҳияти ва аҳамиятини ошириш чораларини кўриш давр талаби ҳисобланади.

Юқорида қайд этиб ўтилган устувор вазифалар нафақат маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни жойида мустақил ҳал этишга, балки давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоат назоратини амалга оширишда ҳам хизмат қилади.

Ушбу таърифлардан кўриниб турибдики, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда шартномавий муносабатлардаги иштирокининг доираси кенглиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Бироқ қонунда белгиланган мазкур ваколатларни самарали амалга ошириш учун авваламбор маҳалланинг иқтисодий дастакларини, шунингдек фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни тузиш имкониятларини такомиллаштиришни ва энг асосийси фуқаролар йиғинлари раисларининг шартномалар тузиш ва уларни амалда қўллаш амалиёти бўйича етарли билим ва тажрибасини оширишни тақозо этади.

Фикримизча, фуқаролар йиғинлари фаолиятида фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг ролин ошириш, уларнинг молиявий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш учун қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунида назарда тутилган фуқаролар йиғинлари томонидан айрим яъни қонуннинг 11-моддасида қайд этилган коммунал тўловлар ундирилишини таъминлаш, иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш бўйича тадбирлар ўтказишда, тегишли ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, уйлар ва ҳовлиларни намунали сақлашга доир ишларни ихтиёрийлик асосида ташкил этишга доир «кўмаклашиш» функцияларини ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари орқали амалга оширилишини белгилаш лозим;

2. Фуқаролар йиғинларининг қонунчиликда белгиланган ваколатларини шартнома асосида амалга ошириш вазифаларидан келиб чиқиб, мазкур вазифаларнинг амалда самарали ижросини таъминлаш мақсадида намунавий фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни ишлаб чиқиш;

3. Фуқаролар йиғинларининг қонунчиликда белгиланган ва шартнома асосида амалга оширилиши лозим бўлган ваколатларини амалда самарали ижросини таъминлаш мақсадида фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни тузиш ва унга риоя қилиш механизмлари бўйича услубий тавсияларни тайёрлаш ва амалиётга татбиқ этиш лозим;

4. Ҳуқуқий эксперимент тариқасида жорий этилган «Маҳалла бюджети» тизимининг амалда ишлаш самарасига кўра келгусида Республикаимизнинг барча ҳудудларига татбиқ этишни йўлга қўйиш.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг моҳияти ва аҳамиятини оширишга хизмат қиладиган ҳуқуқий механизмларни қонунчиликда белгилаш ҳамда амалиётга татбиқ этиш фуқаролик ҳуқуқининг истикболдаги муҳим вазифаларидан бири саналади. Бу маҳалланинг жамиятдаги ўрни ва ролини янада кучайтиришга, ушбу ноёб тузилманинг жойларда халқнинг маслақдоши ва кўмақдошига айлантиришга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Джалилов Ш.И. Реформа местных органов государственной власти в Узбекистане (1990-1994 гг.): Дис...докт.юримд.наук. – Ташкент: ТГЮИ, 1994. – С.221 (Djalilov Sh.I. Reforma mestnykh organov gosudarstvennoy vlasti v Uzbekistane (1990-1994 gg.): Dis... dokt. jurid. nauk. - Tashkent: TGYuI, 1994. - P.221).
2. Хусанов А.Т. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва маҳаллий давлат ҳокимияти асослари: ҳуқуқий, ташкилий масалалар ва муаммолар: юрид. фанлар доктори .. диссертацияси. – Тошкент: ТДЮИ, 1995. – Б.149 (Khusanov A.T. The Constitution of the Republic of Uzbekistan and the foundations of local state power: legal, organizational issues and problems: law. Doctor of Science. Dissertation. - Tashkent: TDYuI, 1995. - P.149).
3. Маликова Г.Р. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтининг конституциявий (ҳуқуқий) асосларини такомиллаштириш муаммолари: юрид. фанлар доктори .. диссертацияси. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б.5 (Malikova G.R. Problems of improving the constitutional (legal) basis of the institution of self-government of citizens: jurid. Doctor of Science. Dissertation. - Tashkent: TDYuI, 2009. - P.5).
4. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир / Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг 2016 йил 19 октябрдаги VIII съездидаги маърузаси (Mirziyoev Sh.M. Consistent continuation of democratic reforms, creation of a peaceful and peaceful, decent standard of living for our people is a guarantee of sustainable development / Movement of entrepreneurs and businessmen - speech of the Liberal-Democratic Party of Uzbekistan at the 8th session of October 19, 2016) uzlidep.uz.

5. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг архив материалларидан. – Т., 2023 (From the archival materials of the public administration of the "Mahalla" Charitable Foundation of Uzbekistan. - T., 2023).
6. Халқ сўзи. (2023 йил 22 март № 58 (8401) Ўзбекистон маҳалла тизими ходимлари ва фаолларига байрам табриги (People's word. (March 22, 2023 No. 58 (8401) Holiday greetings to the employees and activists of the neighborhood system of Uzbekistan).
7. Ўзбекистон Республикаси 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги 670-I-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1998 й., 9-сон, 170-модда (Law No. 670-I of the Republic of Uzbekistan dated August 29, 1998 "On the contractual and legal framework of the activities of economic entities" // Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1998, No. 9, Article 170).
8. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова (Civil Code of the Republic of Uzbekistan // Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1996, Appendix to No. 2).
9. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба. (Монография) – Т.: «Янги аср авлоди», 2006. – 146-147-б (Kyrgyzboev M. Civil society: theory and foreign experience. (Monograph) - T.: "Yangi asr avlodi", 2006. - pp. 146-147).
10. Шугрина Е.С. Муниципальное право Российской Федерации: Учеб. 2-е изд., перераб. И доп. – Москва: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2007. –Б. 43. ((Shugrina E.S. Municipal law of the Russian Federation: Ucheb. 2-e izd., pererab. I dop. - Moscow: ТК Welby, Izd-vo Prospekt, 2007. -B. 43))
11. Рузиев З.Р. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари (конституциявий-ҳуқуқий таҳлил): юридик фанлар доктори .. диссертацияси. – Тошкент: ТДЮУ, 2016. – Б. 177. (Ruziev Z.R. Powers of citizens' self-governing bodies (constitutional-legal analysis): Doctor of Legal Sciences dissertation. - Tashkent: TDUU, 2016. - P. 177).
12. Қирғизбоев М. Ўзини ўзи бошқариш органлари – фуқаролик жамиятининг асоси / Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – 2003. №1. – Б.31 (Kyrgyzboev M. Self-governing bodies are the basis of civil society / Democratization and human rights. – 2003. No. 1. – B.31.).
13. Черкасов А.И. Сравнительное местное управление: теория и практика. – М.: ИНФРА–М, 1998. – 104-с (Cherkasov A.I. Sravnitelnoe mestnoe upravlenie: theory and practice. - M.: INFRA- M, 1998. - p. 104).
14. Local Government Act 1972 of United Kingdom // <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1972/70/contents>
15. Франция Республикасининг Конституцияси (Constitution of the French Republic) www.worldconstitutions.ru.
16. Италия Республикасининг Конституцияси (Constitution of the Italian Republic.) / www.worldconstitutions.ru.
17. Фененко Ю.В. Муниципальнке системы зарубежных стран: правовые вопросы социальной безопасности. – Москва: МГИМО-Университет, 2004, – Б. 155-166 (Fenenko Yu.V. Municipal system of agriculture: legal issues of social security. - Moscow: MGIMO-University, 2004, - P. 155-166).
18. Маликова Г. Ўзини ўзи бошқариш кучли жамият таянчи / Масъул муҳаррир: О.Хусанов. Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 79-80 (Malikova G. Self-management is a strong pillar of society / Responsible editor: O. Husanov. Monograph. - Tashkent: TDYuI, 2005. - P. 79-80).
19. Испания Конституцияси (Spanish Constitution). // www.congreso.es.
20. Жалилов Ш.И. Ўзбекистон Республикасининг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи. (Дарслик) – Тошкент: Ворис, 2007. – Б. 97 (Jalilov Sh.I. The right of self-government of the Republic of Uzbekistan. (Textbook) - Tashkent: Voris, 2007. - P. 97).

21. Австрия Республикасининг Конституцияси (Constitution of the Republic of Austria) www.twirpx.com.
22. Швейцария Конституцияси (Swiss Constitution) / worldconstitutions.ru.
23. Бразилия Конституцияси (Brazilian Constitution) www.bd.camara.gov.br.–ҳуқуқий портали.



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

2-МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР-2

JOURNAL OF LAW RESEARCH
SPECIAL ISSUE-2

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000